

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

Jild 3, Son 6/s

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/6 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Мамаражабов Бобир Нормүмин ўғли</i> САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК	8-17
<i>Хайдаров Абдулҳоди Ахмадали ўғли</i> XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ТОМОРҶАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	18-22
<i>Назаров Азизбек Ёқубжонович</i> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ	23-31
<i>Abdulloyev Jamshed Izzatulloyevich</i> MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI	32-36
<i>Пасилов Баҳодир Абдуллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНинг АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.)	37-41
<i>Ismailov G'afurjon Xasanovich</i> TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI" MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI	42-46
<i>Raxmatulloyev Murodjon Xikmatulloyevich</i> BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA OID ISLOHOTLAR	47-50
<i>Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna</i> SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY T AHLIL	51-55
<i>Нафиддинова Хосият Равшановна</i> БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР	56-60

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Zhang Hongzhi, Wu Bo</i> RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR SPREAD	61-66
<i>Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna</i> MIN TAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	67-72
<i>Nayimov Shoxruh</i> PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A COMMERCIAL BANK	73-79

Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich

ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 80-88

Rahmatullaev Bezhzod Rahmatullaevich

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР
МАСАЛАЛАРИ 89-95

Abdullayeva Zamira Muxtarovna

МЕҲНАТ BOZORI TALABLARIGA OLIY TA'LIM XIZMATLARI MODELLARINI
MOSLASHTIRISH 96-102

Imomov Xolmurod Norkulovich, Sharipov Tulkin Saidakhmedovich

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ 103-114

Erqashov Akmadzhon Mahmudjon yfli

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 115-122

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Imomova Nozimaxon Avazxonovna

JAMIyat FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS IJTIMOIY-FALSAFIY
XUSUSIYATLARI 123-129

Qodirov Davronbek Hoshimovich

ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI 130-133

Jabborova Saodat Sattorovna

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA'NAVIY SALOHIYATNI YUKSALTIRISHDA QO'SHGAN
HISSASI 134-142

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tuxtasinova Mahliyoxon Shavkatjon qizi

L.Z.BUDAGOV LUG'ATIDA ESKI O'ZBEKCHA SO'ZLARNING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA
IZOHLANISHI 143-149

Narmuratov Zayniddin Radjabovich

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TA'LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK
MASALASI 150-154

Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna

UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY
TA'MINOTI 155-160

Mirzayeva Yelena Sa'dullaevna

O'ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH 161-166

Alimjanova Shohsanam Azamat qizi

INGLIZ TILIDAGI KO'P MA'NOLI IBORALARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida)	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> “МАНБУБ UL-QULUB” ASARIDAGI FRAZEMALAR LARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI	177-181

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Zulfiqarov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР FAOLIYТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	182-191
<i>Talibaev Umidjon Shergaziyevich</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ.	192-199

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESSOF A FOREIGN LANGUAGE	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN	237-242
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	248-254

Назаров Азизбек Ёқубжонович
Т.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Миллий университети доцент в.б.
E-mail: azizbek_888@mail.ru

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақола XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида фаолият юритган илмий жамиятлар тарихини ўрганилишига бағишиланган. Мақолада Туркистон генерал-губернаторлигига илмий жамиятларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятига доир маълумотлар тарихий асарлар ҳамда архив манбалари орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий архивидаги илмий жамиятларга тегишли архив фондлари хужжатларининг Россия империяси, совет даври ҳамда мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишлар учун аҳамияти ёритилган. Шу билан бирган Туркистон илмий жамиятлари фондларида Россия империясининг ўлқада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришдаги воситачилиги акс этган марказий хукumat ва маҳаллий идораларнинг хужжатлари илмий адабиётлар билан қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: XIX-XXI асрлар тарихий адабиётлари, тарихшунослик таҳлили, тадқиқот, илмий изланиш, Туркистон, Россия империяси, совет даври, илмий жамиятлар, тўгарак, Ўрта Осиё, Тошкент, Ўзбекистон Миллий архиви, фонд.

Nazarov Azizbek Yakubjonovich
Associate professor National University of Uzbekistan

SCIENTIFIC SOCIETIES IN THE TURKESTAN GOVERNOR GENERAL: HISTORIOGRAPHIC ANALYSIS

Abstract. This article is devoted to the study of the history of scientific societies that operated on the territory of Turkestan in the second half of the 19th - early 20th centuries. The article analyzes information about the emergence and activities of scientific societies in the Turkestan Governor-General, which was studied with the help of historical works and archival sources. The importance of documents from archival funds owned by scientific societies in the National Archives of Uzbekistan for scientific research conducted during the years of the Russian Empire, the Soviet period and in the years of independence is also emphasized. At the same time, the documents of the central government and local authorities, reflecting the mediation of the Russian Empire in the implementation of the colonial policy in the country in the funds of the Turkestan scientific societies, were subjected to a comparative analysis with scientific literature.

Key words: historical literature of the 19th–21st centuries, historiographic analysis, research, scientific research, Turkestan, Russian Empire, Soviet period, scientific societies, circle, Central Asia, Tashkent, National Archives of Uzbekistan, fund, archive, document.

Назаров Азизбек Якубжонович
Национальный университет Узбекистана, доцент

НАУЧНЫЕ ОБЩЕСТВА В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ: ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Аннотация. Данная статья посвящена изучению истории научных обществ, действовавших на территории Туркестана во второй половине XIX – начале XX веков. В статье анализируется информация о возникновении и деятельности научных обществ в Туркестанском генерал-губернаторстве, которая была изучена с помощью исторических трудов и архивных источников. Также подчеркивается значение документов архивных фондов, принадлежащих научным обществам в Национальном архиве Узбекистана, для научных исследований, проведенных в годы Российской империи, Советского периода и в годы независимости. В то же время документы центрального правительства и местных органов власти, отражавшие посредничество Российской империи в проведении колониальной политики в стране в фондах Туркестанских научных обществ, были подвергнуты сравнительному анализу с научной литературой.

Ключевые слова: историческая литература XIX-XXI вв., историографический анализ, исследования, научные изыскания, Туркестан, Российская империя, Советский период, научные общества, кружок, Средняя Азия, Ташкент, Национальный архив Узбекистана, фонд,

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N03>

Кириш. Туркистон замини турли олимларнинг муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Туркистонда рус ва хорижий тадқиқотчилар фаолият юритган бўлиб, уларнинг фаолияти натижасида кўплаб тарихий тадқиқотлар олиб борилган. Ўлкада олиб борилган дастлабки бу турдаги тадқиқотлар ҳозирги кунда тарих учун алоҳида аҳамиятлидир. Айнан ушбу тадқиқотлар яхлит тизимли шаклда, тарихшунослик нуқтайи назаридан таҳлил этиш, тизимлаштириш замонавий тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Туркистон генерал-губернаторлигидағи илмий жамиятларнинг фаолияти натижасида вужудга келган архив фонdlари ҳужжатшунослик ва архив манбашунослиги нуқтайи назаридан бугунги кунгача яхлит, алоҳида илмий тадқиқот сифатида тадқиқ этилмаган. Шунга қарамай илмий жамиятларнинг тарихи турли даврларда тадқиқотчилар дикқат эътиборида бўлган. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми – XXI асрлар тарихий адабиётларида ўз аксини топади. Ушбу тадқиқотларнинг аксариятида Ўзбекистон миллий архивида сақланувчи фонdlардан фойдаланганлиги ва архив ҳужжатларининг тавсифи келтирилади. Бундан келиб чиқиб, мавзуга оид тадқиқотларни яратилиш даврига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ – Россия империяси даврида яратилган тадқиқотлар;
иккинчи гуруҳ – совет даврида ёзилган тадқиқотлар;
учинчи гуруҳ – мустақиллик йилларидағи илмий изланишлар.

Биринчи гуруҳга киравчи адабиётлардан бири ўлка амалдорлари ва тўгарак аъзотиби Н.С. Ликошин қаламига мансуб, ўлкада археология ҳаваскорлари тўгараги фаолиятини бошлагунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар тавсифи келтирилган “Очерки археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии” [1] номли асари бўлиб, ушбу асар муаллиф томонидан тўгаракнинг 1896 йил 1 апрелдаги йиғилишида маруза қилинган ва “Среднеазиатский вестник” журналининг июль ва сентябрь нашрида чоп этилган [2].

Яна бир тадқиқот А.И. Добросмысловнинг Тошкентта бағишлиган асари бўлиб, Туркистонда фаолият олиб борган илмий жамиятлар тарихига алоҳида эътибор қаратган. А.И. Добросмылов Ўрта Осий илмий жамияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Ўрта Осиё жамияти 1871 йилда ташкил топган Жамият мақсади Ўрта

Осиёning тарихи, географияси, этнографияси, статистика, қазилма бойликлари, савдо ва саноати ҳақида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва оммалаштиришдан иборат эди” [3]. Архив фондлари таҳлилига кўра, Ўрта Осиё илмий жамияти 1869 йилда ташкил топган [4] ва жамиятнинг биринчи йиғилиши 1869 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган [5]. Архив ҳужжатларида ушбу маълумотлар Б.В. Лунин ва Ж.Х. Исмоиловалар тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган [6].

А.И. Добросмыслов тадқиқотларида жамиятнинг 1871 йилдаги маблағи 840 рубль бўлиб, шундан 590 рубль аъзолик бадали ва 250 рубль хайриялардан иборат бўлганлиги қайд этилган. Тадқиқотчи шунингдек, ўз асарида жамиятнинг қисқа давр фаолият юритганлигини таъкидлайди ва буни жамиятнинг фаол аъзоларидан бири Н.Ф. Петровскийнинг Тошкентдан кетиши билан изоҳлади [7]. Ҳақиқатдан ҳам жамият 1872 йилгача фаолият юритган бўлиб, Туркистондаги илмий жамиятлар тарихи бўйича йирик тадқиқот олиб борган тарихшунос Б.В. Лунин ҳам ўз тадқиқотида бу борадаги А.И. Добросмысловнинг фикрини тасдиқлади [8].

Яна бир тадқиқотчи Д.Л. Ивановнинг илмий ишлари жамият тарихини ёритища мухим аҳамият касб этади. Жамият фаолияти ҳақида тадқиқотчи Д.Л. Ивановнинг тушунтиришича, Тошкентда Ўрта Осиё илмий жамиятидан олдин ҳам Императорлик Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими бўлган. Ушбу жамият йиғилишлари генерал-губернатор уйида ташкил этилиб, баъзилар бу ҳолатда эркин фикр билдира олмаганлар. Натижада, бир гуруҳ шахслар расмий маъмурият органи сифатидаги жамиятдан ажralиб чиқиши тарафдори бўлишган, аммо тадқиқотларда эса бу жамият (Ўрта Осий илмий жамияти- А.Н.) тўлақонли равища ўз вазифасини бажара олмади деб маълумот берилади [9].

Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ҳақида А.И. Добросмылов, Н.П. Остроумов ва В.В. Бартолд ташаббуси билан очилган бу тўгарак низоми 1895 йили 31 октябрда тасдиқлангани ва ўз фаолиятини 11 декабрдан бошлаганлигини таъкидлайди. Тўгарак аъзолари сони 20 дан 40 гача бўлиши, унинг маблағлари йилига аъзолик бадаллари ва генерал-губернатор томонидан тақдим этиладиган нафақа билан бирга 200 рубль ҳамда Ўрта Осиёни ўрганиш рус қўмитаси маблағлари ҳисобидан 400 рублдан иборат эканлиги таъкидланади.

Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти ҳақида фикр билдирап экан муаллиф ҳақли равища жамият тарихини дастлабки даврини Императорлик рус боғдорчилик жамиятининг ўлка бўлими сифатида 1885 йил 16 январда ташкил топиши давридан ёритади. Бўлимнинг тузилишида Н.Н. Касянов, И.И. Краузе ва Л.И. Кватс фаол хизмат қилишганлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, тадқиқотчи жамиятнинг кўргазмалар ташкил этиши борасидаги фаолияти, унинг белгиланган фаолият доирасидан чиқиши натижасида 1895 йилда янги Низомни қабул қилиниши ҳақида маълумотлар келтирган. Жамият фаолиятини батафсил ёритар экан, муаллиф 1906 йилдан бошлаб ўлкада ягона Туркистон қишлоқ хўжалиги журнали фаолият юритгани ҳақида ҳам маълумот берган.

Яна бир тадқиқотчи, И.Л. Яворский Ўрта Осиё, хусусан Туркистонни географик нуқтайи назаридан таҳлил этар экан “илмий тадқиқот қилиш асосида Ўрта Осиё 25 йил ичida номаълумликдан жуда яхши ўрганилган ҳудудга айланди. Ҳозирги вақтда бу юрт ҳақида маълумотлар камлиги билан эмас, аксинча уларнинг бой ва турли туманлиги билан тўқнаш келамиз” [10] деб маълумот берган. Муаллиф бу билан ўлкада кўплаб

тариҳий тадқиқотлар олиб борилганлиги, натижада маданий ёдгорликлар аниқланганини назарда тутади.

Академик В.В. Бартолд тадқиқотлари ҳам жамият тариҳини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. У Ўрта Осиёning ўрганилиши ҳақида қуидагиларни ёзиб қолдиради: “Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгандан сўнг, кўп вақт ўтмай илмий фаолият ҳам бошлаб юборилган. Ўлкани ўрганишдан асосий мақсад географик, табиий, статистик муносабатларни билишdir. Аҳоли ва унинг ўтмишдаги аҳволи ҳам муҳимdir” [11]. Ушбу маълумотдан қўриниб турибдики ташкил этилган илмий жамиятлар аввало ўлкада Россия империяси давлатчилигини тарғиб этиш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида вужудга келган. Рус ҳукуматининг ўлкадаги маъмурий бошқаруви ҳам Ўрта Осиё ҳақида иложи борича тезроқ илмий маълумотларга эга бўлишга қизиқарди. Бундан кўзланган асосий мақсад унинг ер ости ва усти бойликлари жойлашган манзиллар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ва у ерларга ҳарбий ҳаракатларни бошлаш бўлган.

Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги фаолияти В.В. Бартолд, Н.С. Лиқошин ва бошқа замондошлари асарларида тадқиқ этилган.

В.В. Бартолд ўзининг “Новое научное общество в Ташкенте (Тошкентдаги янги илмий жамият)” номли мақоласида Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг ташкил этилишига бағищланган, унда бундай жамиятлар Империянинг бошқа шаҳарларида ҳам мавжудлиги ва маҳаллий кучларни бу ишга жалб этилиши Археология комиссияси томонидан қўллаб-қувватланишини таъкидлаб ўтади [12].

Ўрта Осиё ҳудудида фаолият олиб борган илмий жамиятлар тарихи бўйича тарихшунос Б.В. Луниннинг фикрича, Ўрта Осиёдаги илмий жамиятлар фаолияти ўлкадаги маданий бойликларни Россия империяси томонидан ўзлаштиришида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу илмий жамиятлар томонидан йиғилган фактик материаллар замонавий тадқиқотлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Бу даврда ҳали ўлкада илмий марказлар шаклланмаганлиги ва ушбу жамиятлар ҳали фаолиятини тўхтатмаганлиги туфайли уларни илмий ютуқлари ёки фаолияти натижаларини баҳоловчи тизимли иш амалга оширилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Совет даврида илмий тадқиқот марказларини кўпайиши, Олий ўқув юртларининг вужудга келиши ва уларда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайиши натижасида Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятларнинг тарихи кенг кўламда ўрганила бошланди. Хусусан, уларни тадқиқ этиш бир нечта йўналишларда ва турли фан соҳалари доирасида олиб борилди. Уларни қуидаги тадқиқот йўналишларига ажратиш мумкин:

1. Илмий жамиятлар тарихига оид тадқиқотлар;
2. Фан соҳаларини ривожланиши тарихига оид тадқиқотлар;
3. Турли олимлар фаолиятига оид тадқиқотлар.

Муҳокама Совет йилларида яратилган тарихшунослик ишларини таҳлил этар эканмиз, жамиятнинг маданий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган, тарих фани ривожланишига катта ҳисса қўшган илмий муассасалар тарихига эътибор қаратилганлигини кузатамиз. Л.С. Берг ўз тадқиқотларида ўлкани географик жиҳатдан ўрганилиши ва унда илмий жамиятларнинг ўрни ҳақида бир қанча маълумотлар келтириб ўтади [13]. Хусусан, ИРГЖнинг юз йиллик фаолиятига бағищланган тадқиқотида ўлкада географик тадқиқотларни олиб борилиши ва бунда ИРГЖ

Туркистон бўлимининг ўрни ва роли ҳақида фикр юритган. Ушбу бўлимининг очилиши ва дастлабки фаолиятида В.Ф. Ошаниннинг ҳиссаси катта бўлганлигини эътироф этган тадқиқотчи ўлкада олиб борилган тадқиқотлар ва айниқса Орол денгизини ўрганилишига доир тадқиқотларга баҳо берган.

Г.Д. Алексеева ва Г.И. Желтовалар ўз асарларида 20-30 йиллар Ўзбекистонда илмий-тариҳий муассасаларнинг шаклланиши ва ривожланиши масалалари га тўхтадилар [14]. Ушбу тадқиқот Ўрта Осиёдаги илмий тадқиқот муассасаларининг шаклланишига асос бўлиб, айнан Туркистон генерал-губернаторлик давридаги илмий жамиятлар фаолияти келтирилган.

Императорлик рус география жамияти Туркистондаги бўлими тарихи совет даври тадқиқотчиларидан З.Н. Донсова, Б.В. Лунин, В.А. Шишкін, И.М. Мўминов А. Азатян ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Бу борада Б.В. Луниннинг мустамлака даври Туркистонда фан, таълим, илмий жамиятлар тарихига бағишлиланган асарларида қимматли маълумотлар берилганлигини таъкидлаш зарур. Айнан совет йилларида Ўрта Осиёда тарихшунослик фани асосчиси ва Россия туркистоншунослиги билимдони Б.В. Луниннинг мавзу тарихшунослигига оид бир қатор тадқиқотлари яратилди. Жуда катта миқёсдаги архив манбалари, адабиётлар ва хотираларни жалб қилган ҳолда Б.В. Лунин Туркистон тарихи, унда фаолият юритган дастлабки илмий жамиятлар ва уларнинг аъзолари фаолиятига доир турли масалаларни тадқиқ қилган. Қолаверса, у томонидан ўлкада фаолият юритган рус шарқшунослигининг академик ва амалий йўналишлари намоёндалари ҳақида биобиблиографик маълумот йифиб, уларнинг илмий фаолиятига тарихшунослик нуқтайи назаридан баҳо берилди. Маълумки, жамият ижтимоий тафаккурининг шаклланишида бу соҳа вакилларининг хизматлари алоҳида саналади. Ҳар бир профессионал ўз тақдирини ўзи яшаган давр ва унда содир бўлган воқеликлар билан чамбарчас боғлайди. XX асрнинг машҳур кишиларининг ижодий ва ҳаётий биографиясини яратишдаги дастлабки уринишни Б.В. Лунин амалга оширди. Улар ҳақидаги комплекс маълумотлар унинг йирик асари бўлган “Библиографические очерки. О деятельности общественных наук Узбекистана” китобидан жой олган [15]. Б.В. Луниннинг тадқиқотлари кейинги давр тадқиқотчилари учун тарихшунослик базасига айланди. Бу тадқиқотлари асосан ҳозирда Ўзбекистон Миллий архивида сақланувчи ҳужжатлар асосида ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти Борис Владимирович томонидан илк маротаба илмий муомалага киритилган.

Олим томонидан тузилган ва 1974-1977 йилларда нашр этилган биобиблиографик очерклар тарихшунослик соҳасида алоҳида ўринга эга бўлди. Унда 300 дан ортиқ, тақдирни Ўзбекистон билан боғланган ижтимоий фан соҳаси вакилларининг таржимаи ҳоллари билан бир қаторда, ҳар бир олимнинг нашр этилган ишлари ва улар ҳақида маълумот берилган илмий адабиётлар тизимли равища китобхонга тақдим этилди. Бу эса Ўзбекистон маданияти тарихшунослиги ривожига фоятда қимматли ҳисса бўлиб қўшилди [16].

Хусусан, Императорлик Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими тарихини тадқиқ этилишига тўхталаар экан, тарихшунос Б.В. Лунин: “Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими тақдирни ҳам туркистоншунослик билан шуғулланган бошқа

жамиятларга ўхшаш бўлган у умуман унугуилган бўлиб, жамият ҳақидаги адабиётлар фақатгина маълумотлар билан чегараланган” [17], деб таъкидлайди.

Мустақиллик йилларида тадқиқотлар аввалги изланишлардан фарқ қилиб, уларда фикрлар турфалиги, объективлиги намоён бўлади. Бу тадқиқотларда ўзгача илмий-назарий даража, кўплаб тарихий ҳужжатлардан фойдаланилганлик кузатилади. Аввалги давр адабиётларида архив ҳужжатларининг баъзи қисми махфийлаштирилганлиги ва тадқиқотчилар учун эркин муомалада бўлмаганлиги мавзуни тўла қонли ёритиш имконини бермаган бўлса, 1991 йилдан сўнг кўплаб архив фондларини махфийликдан чиқарилиши уларни кўплаб тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага киритилишига имкон берди. Ушбу даврда Ўзбекистон ва хорижда яратилган тадқиқотларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

1. Илмий жамиятларнинг фондларини тадқиқ этишга бағишиланган тадқиқотлар;
2. Илмий жамиятлар фаолиятини ёритувчи изланишлар;
3. Фан соҳаларини ривожланиши тарихига оид тадқиқотлар.

Узоқ йиллар Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда тарих фанининг институционал шаклланиши, XIX охири-XX аср бошларида Туркистанда тарих фани ҳолатини тадқиқ этган тарихшунос В.А. Германовнинг бир қатор ишлари бевосита Туркистан генерал-губернаторлигига фаолият олиб борган илмий жамиятлар ва уларнинг илмий меросини тадқиқ этишга бағишиланган. Айнан, Туркистан археология ҳаваскорлари тўгараги ва ўлкадаги бошқа илмий жамиятларнинг тарихий йўналишдаги фаолиятини ёритувчи маҳсус тадқиқотларни ёзиш жараёнида муаллиф ушбу жамиятларнинг архив фондларидан фаол тарзда фойдаланганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, В.А. Германов ўзининг мустамлака давр тарихчилари фаолиятига бағишиланган тадқиқотида ўлкада фаолият юритган илмий жамиятлар фаолиятини ҳам тарихшунослик нуқтайи назаридан таҳдил этган [18].

Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмининг мустамлака давридаги тарихини тадқиқ этган Ж. Исмоилова ҳам ўз тадқиқотида ўлкада фаолият юритган илмий жамиятлар тарихига тўхталиб ўтади. Архив манбаларини ўз тадқиқотига жалб қилган ҳолда муаллиф жамиятларнинг таркиби, уларда маҳаллий аҳоли вакилларини иштироки каби масалаларга эътибор қаратган [19].

Тадқиқотчи Н.А. Мустафаева ўз монографиясида илмий жамиятлар фаолиятини қўйидагича баҳолайди: “Мустамлака маъмурияти туб аҳолининг диний ва майший ҳаёти билан боғлиқ назарий ҳамда амалий танишувга эришиш, мусулмон диний идоралари фаолиятини тўлиқ ўрганиш мақсадида Ислом динига оид кўпгина манбаларни рус тилига таржима қилиш ишларини амалга оширди. Бу ишлар маҳаллий тилни чуқур билган Н.И. Гродеков, М.А. Терентев, В.П. Наливкин, Н. Лыкошин, А. Кунн ва бошқа рус шарқшунос олимлар томонидан бажарилган. Аммо бу қимматли адабиётлар маъмуриятдаги мансабдорларни у даражада қизиқтирган эмас” [20].

Тадқиқотчи З.А. Сайдбобоев ўзининг “Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар” номли монографиясида Туркистан генерал-губернаторлигига фаолият юритган илмий жамиятларнинг архив фондлари асосида ўлка картографиясига оид тадқиқотларни таҳдил этади. Хусусан, ишда ўлкада фаолият юритган Императорлик рус география жамиятининг Туркистан бўлими ва унда кўп

йиллар фаолият юритган П.К. Залесскийнинг ўлка картографиясини ривожланишига кўшган ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот беради [21].

Ф. Шомукарамова архив ҳужжатлари асосида Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги фаолиятига оид муаммоларга тўхталиб ўтган. Хусусан, Ўзбекистон Миллий архиви И-71 фонди ҳужжатлари асосида тўгарак фаолиятининг илмий, амалий ва молиявий ҳаётини тадқиқ этган [22].

Илмий жамиятларнинг фаолиятига доир тадқиқот олиб борган тарихчи, О.Г. Пуговкина И-69 фондини манбашунослик нуқтайи назаридан батафсил таҳлил этган бўлиб, фонд таркибидаги ҳужжатларни мазмунига кўра олти гуруҳга туркумлаштирган [23].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Туркистон замини жуда қадимдан тарихчи олимларнинг муҳим тадқиқот обьекти бўлиб келган. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда рус ва хорижий тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борган бўлиб, уларнинг фаолияти натижасида кўплаб тарихий тадқиқотлар ва манбавий аҳамиятдаги маълумотлар вужудга келган. Хусусан, Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятларнинг ўлкада олиб борган илмий изланишлари ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архивида сақланади. Мақолада Туркистон генерал-губернаторлигида илмий жамиятларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятига доир маълумотлар тарихий асарлар ҳамда архив манбалари ёрдамида ўрганилган.

Туркистонда фаолият олиб борган илмий жамиятлар тарихи тадқиқ этилган илмий адабиётларнинг даври бўйича ажратилган гуруҳлардан Совет даври тадқиқотлари ва мустақиллик йилларидағи изланишларда бевосита ушбу жамиятларнинг архив фондлари тадқиқот доирасига тарихшунослик сифатида тортилган [24]. Айрим тадқиқотларда манбавий туркумлаштириш масалалариға эътибор қаратилган. Жамиятлар фаолиятини ўрганишда архив ҳужжатларидан фойдаланилган, лекин тадқиқотлар ҳужжатшунослик, архившунослик нуқтайи назаридан тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотчилар асарларидағи фикр-хулосалар ва архив ҳужжатларидағи маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг қанчалик бажарилишини кўриш мумкин. Илмий жамиятлар ўлкани ўрганиб тадқиқ қилиш орқали Россия империяси учун керакли маълумотларни жўнатиб турганлиги тадқиқ этилган фондлардаги архив ҳужжатларида ҳам номоён бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

- Лыкошин Н.С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии // Среднеазиатский вестник. – Ташкент, 1896. – С. 38-46.
- Отчет о деятельности Туркестанского кружка любителей археологии за первый год его существовали, съ 11 декабря 1895 г. по 11 декабря 1896 года // Туркестанский кружокъ любителей археологии за первый годъ его деятельности. – Ташкент, 1896. – С. 4.
- Шамукарамова Ф.Ш. Научно-организационная деятельность Туркестанского Кружка любителей археологии в конце XIX-начале XX веке // Марказий Осиёда

- интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX-XX аср бошлари) / Илмий тўплам. – Тошкент, 2018. – Б. 60-66.
4. ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 1-3-орқа варақ.
 5. ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 5-варақ.
 6. Исмоилова Ж.Ҳ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2004.: Лунин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. Конец XIX-начало XX в. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962.
 7. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912.
 8. Лунин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. Конец XIX-начало XX в. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962.
 9. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912. – С. 301.
 10. Яворский И.Л. Культурные успехи и задача в ней России // Туркестанский сборник. 1908. Т. 443. – С. 138.
 11. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). – Ташкент, 1958. – С. 12.
 12. Nazarov, A. (2020). History Of The Emergence And Development Of Scientific Societies In The Governor-General Of Turkestan. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 82-88.
 13. Берг Л.С. Всесоюзное Географическое общество за сто лет. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1946. – С. 264.
 14. Алексеева Г.Д., Желтова Г. И. Становление и развитие советской системы научно-исторических учреждений (20–30-е годы). – Ташкент, 1979. – 136 б.
 15. Лунин Б.В. Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Том I. – Ташкент, 1976.; Лунин Б.В. Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Том II. – Ташкент, 1977.
 16. Мустафаева Н. ХХ асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Ташкент: Navro'z, 2014.
 17. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX-начало XX в. – Ташкент, 1962. – С. 126.
 18. Германов В.А. Деятельность историков колониальный период. Первые исторические исследования в Туркестане (начало XX века–1917 года) // Очерки историографии Узбекистана в XX столетии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – С. 47-59.
 19. Исмоилова Ж.Ҳ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2004. – Б. 100-108.
 20. Мустафаева Н.А. ХХ асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Ташкент: Navro'z, 2014. – Б. 78.
 21. Сайдбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар). – Ташкент: Фан, 2008. – 151 б.
 22. Шамукарамова Ф.Ш. Научно-организационная деятельность Туркестанского Кружка любителей археологии в конце XIX-начале XX веке // Марказий Осиёда

- интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX-XX аср бошлари) / Илмий тўплам. – Тошкент, 2018. – Б. 60-66.
23. Пуговкина О.Г. Источники по истории изучения ТОИРГО // Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан. № 1. – Нукус. 2019. – С. 84-88.
24. Nazarov, A. Y. (2021). Classification Of Documents Of Turkestan Scientific Societies Kept In The National Archive Of Uzbekistan. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES (pp. 9-12).

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/6 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).